

ТАШҚИ САВДОНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Элдор Юлдашев

Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти
Тошкент, Ўзбекистон. Email: eldor1989yuldashev@gmail.com
ORCID: 0000-0001-6558-5095

THEORETICAL PRINCIPLES AND PRACTICAL RESULTS OF THE ESTABLISHMENT OF STATISTICAL STUDY

Eldor Yuldashev

PhD student of Tashkent State University of Economics
Tashkent, Uzbekistan. Email: eldor1989yuldashev@gmail.com
ORCID: 0000-0001-6558-5095

JEL Classification: F1, F17

Жаҳон иқтисодиётида жадал глобаллашув жараёнлари мамлакатларнинг жаҳон бозорига боғлиқлиги янада ортишига ва ривожланиш даражасини белгиловчи асосий омил бўлишига олиб келмоқда. Барча соҳалардага илмий-фан ютуқлари ташқи савдо натижасида янада кенгроқ тарқалиши кузатилмоқда.

Ташқи савдонинг ривожланиш тарихига кўра, иқтисодий жараёнларнинг илк босқичи сифатида истеъмолдан ортиқча бўлган маҳсулотларни бошқа бир зарурий эҳтиёжларни қондириш учун айирбошлаш ёки бартер қилиш жараёнларининг макро даражадаги кўринишини ташқи савдонинг илк намуналари сифатида намаён бўлади. Масалан, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолдан ортиқча қисмини хорижий мамлакатларга экспорт қилиш ва бу орқали мамлакатда мавжуд бўлган бошқа бир маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қондириш орқали импорт муносабатлари вужудга келади. Бу жараёнларнинг илк кўринишларини чет эл иқтисодчи олимлари турлича қарашлар билан талқин қилганлар.

Мамлакатнинг ривожланишида ташқи савдонинг ўрни фақатгина маҳсулот ва хизматлар экспорти ва импортидан ташкил топмаган бўлиб, бунда мамлакатнинг макроиқтисодиё кўрсаткичларига бевосита таъсир қилувчи бандлик, меҳнат миграцияси, миллий ва хорижий валюта ҳолатлари, инвестициялари ва фондлар ҳаракати, интеллектуал мулкларнинг шаклланиш кўрсаткичларини ҳам ўзида ифодалайди. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, мамлакатларда ташқи савдо фаолиятининг шаклланиши асосан 2 муҳим объектив турга бўлинади:

географик жойлашув натижасида ишлаб чиқаришга ихтисослашув иқтисодий ва табиий ресурслар таъсирида шаклланиши орқали;

интеллектуал салоҳият натижаси сифатида қарашимиз мумкин ҳисобланади.

<https://conferencea.org>

Яъники, табиий ресурслар ва ҳом ашёларнинг давлатлар бўйича нотекис тарқалганлиги ва барча мамлакатларнинг ҳам ресурслар билан тўлиқ таъминланмаганлиги биринчи сабаб ҳисобланса, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида энг муҳим ривожланиш омили ҳисобланаётган интеллектуал салоҳияти эса иккинчи ва ҳозирги кундаги энг асосий сабаб дейишимиз мумкин бўлади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатнинг ташқи савдо жараёнларини статистик таҳлил қилишда илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш, унинг ўзига хос янги қирраларини ўрганиб, миллий иқтисодиётимизнинг ривожланишида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай кашфиётларнинг асоси статистик қонуниятлар асосида кашф қилинганлиги боис, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо жараёнларини статистик таҳлил қилиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини назарий қонуниятлар билан биргаликда жорий ҳолатини тадқиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

1-жадвал. Ташқи савдо назариялари

| № | Назариялар | Олимлар | Назарий асослар |
|----|----------------------------|---|--|
| 1 | Меркан-тилистлар назарияси | Томас Мейн, Антуан де Монтчретиен, Уилям Стаффорд | Мамлакатда экспорт ҳажмининг ортиши орқали олтин миқдорини ошириш ва бу орқали миллат фаровонлигига эришишни назарда тутувчи назария ҳисобланади ва бу назария улкан географик кашфиётлар даврида пайдо бўлди. Протекционизм, экспортчи маҳаллий корхоналар учун имтиёзлар, импортга божхона тўловлар жорий қилиш, ўз товарлари экспорти ортишидан олтин ва кумушни мамлакатга кириб келишини таъминлашдан иборат бўлган |
| 2 | Мутлак устунлик назарияси | Адам Смит | Дунёнинг барча мамлакатлари халқаро савдонинг эркин ривожланишидан манфаатдор ва улар ташқи савдонинг ҳам экспорт ҳам импорт фаолиятдан фойда олишлари мумкин деб ҳисоблаган ва мамлакатлар ишлаб чиқариш салоҳиятидан келиб чиқиб, ўзлари ихтисослашган ва ишлаб чиқариш таннархи бошқа давлатларникидан паст бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва уни экспорт қилиши ва чет давлатлардан харид қилиниши маҳаллий ишлаб чиқаришдан арзонга тушадиган маҳсулотларни импорт қилиши зарурлигини кўрсатиб берилган. |
| 3. | Қиёсий устунлик назарияси | Д.Рикардо, Д.С.Милл | Мамлакат ўзининг манфаатидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришга ихтисослашиши катта устунлик ва бу энг заиф томон ҳисобланиб, бунда мутлак устунлик муҳим эмас, балки, нисбий фойда катта аҳамият касб этишини назарда тутуди. |
| | | | Валюта курсини ёрдамида ташқи савдода назоратни амалга оширишни назарда тутуди. |
| 4. | Хеккер-Оҳлин назарияси | Хеккер, Оҳлин | Капитал ва ерларни меҳнат билан бирга унумдор деб ҳисоблаб, халқаро савдонинг неоклассик тушунчаларини назарда тутуди, бу орқали улар меҳнат қиймат назариясига риоя қилмаганлар. |
| 5. | Леонтиев парадокси | Леонтиев | Урушдан кейинги даврда АҚШ ривожланиш жараёнларининг энг муҳим жиҳатлари сифатида унинг иқтисодиёти капиталга нисбатан |

| | | | |
|----|--------------------------------|----------------------------------|---|
| | | | кўпроқ меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқариш турларига ихтисослашганлигини кўрсатиб беради. |
| 6. | М. Портер назарияси | М. Портер | Ушбу назария мамлакат рақобатбардошлиги ҳақида бўлиб, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни, миллий рақобатбардошлик, маълум соҳаларнинг муваффақияти ёки етишмовчилиги билан белгиланади. |
| 7. | Рибчинский теоремаси | Рибчинский | Агар ишлаб чиқаришнинг икки омилидан бирининг қиймати ўсадиган бўлса, унда товарлар ва омиларнинг доимий нарҳини ушлаб туриш учун ушбу ортиб борувчи омил интенсив ишлатиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак ва собит омилдан интенсив фойдаланадиган қолган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қисқартириш керак. |
| 8. | Самуелсон ва Столпер назарияси | Самуелсон ва Столпер назариялари | Ишлаб чиқариш омиларининг бир хиллиги, технологиянинг ўзига хослиги, мукамал рақобат ва товарларнинг тўлиқ ҳаракатчанлиги шароитида халқаро биржа мамлакатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари нарҳини тенглаштиради, деб ҳисобланган |

Юқоридаги жадвалда ташқи савдо назариялари ҳақида қисқача маълумотлар келирилган бўлиб, уни ҳозирги кундаги амалиётда миллий қонунчилигимизга асосан қуйидагича тариф беришимиз мумкин бўлади:

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунида Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, товарлар экспортидир.

Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига уларни қайта олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб кирилиши товарлар импортидир.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар (хизматлар) экспортидир.

Хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси томонидан Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар (хизматлар) импортидир дея тариф берилган.

“Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида” Низомда:

товарлар экспорти — агар қонунчиликда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, товарларни уларни қайтариб олиб кириш мажбуриятсиз Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш;

<https://conferencea.org>

ишлар (хизматлар) экспорти — экспорт қилувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентига ишлар бажарилиши (хизматлар кўрсатилиши), улар бажарилиши (кўрсатилиши) жойидан қатъи назар;

товарлар импорти — товарларни уларни қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш;

ишлар (хизматлар) импорти — хорижий давлатнинг юридик ва жисмоний шахси томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентига ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш), улар бажарилиши (кўрсатилиши) жойидан қатъи назар. Ташқи савдо статистикаси икки ҳарактерни ўзида мужассамлаштиради: статистика фақатгина божхона чегараларини кесиб ўтаётган товарлар ва хизматларни ҳисобга олади; статистика чегарани кесиб ўтувчи ҳар қандай товарни ва хизматни, у хоҳ тижорат асосида, хоҳ нотижорат мақсадида ўтишидан қатъий назар қийматини ҳисобга олади, яъни мамлакат томонидан олинган ҳар қандай иқтисодий ёрдам импорт сифатида, иқтисодий ёрдам сифатида берилган товарлар еса экспорт сифатида қайд қилинади. Бу эса мамлакатда яратилган экспорт ва қабул қилинган импорт соф ҳажмини аниқлашни мураккаблаштиради.

Юқоридаги фикрларни ўрганиш натижасида олган хулосаларимизни жамлаб, ташқи савдога қуйидагича тариф беришимиз мумкин:

Ташқи савдо деб мамлакат чегарасидан сотиш мақсадида хорижга жўнатилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар экспорти ва товар ва хизматлар импорти йиғиндисига айтилади. Яъни, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар товарлар экспортини ташкил қилса, туризм ва таълим хизматлари, компьютер дастурлари ва логистик хизматлар мамлакатимиз хизматлар экспортининг асосини ташкил қилмоқда. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар инновацион технологиялар экспортининг ортиши ҳисобига, ривожланаётган мамлакатлар эса ўз ривожланишини, асосан, инновацион техника ва технологиялар импортига боғламоқдалар ва бу уларнинг импортини ўсиши келгусида экспорт ҳажмини тезкор ўсишига олиб келади.

Статистик ахборотларга бўлган талабнинг ортиши соҳани истеъмолчиларига тезкор, ишончли ва сифатли маълумотлар етказиб берилишини талаб қилади. Шу билан бирга, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси нинг ишлаб чиқилганлиги ҳам ушбу соҳани ривожлантириш муҳим эканлигини кўрсатиб беради.

Ташқи савдо айланмасини экспорт-импорт таркиби ва уларнинг географик йўналишлари бўйича статистик ўрганиш мамлакат иқтисодиёти учун ташқи савдонинг янги йўналишларини кашф қилиш имконини беради.

<https://conferencea.org>

Хорижий иқтисодчи олимлардан О.Н. Кириченко¹ дунё мамлакатлари иқтисодий ўсиш динамикаси кўп жиҳатдан ташқи савдога боғлиқлигини ва кўплаб омиллар таъсирида дунё бозоридаги тенденциялар доимо ўзгариб туриши ва иқтисодиётни ўсиш динамикасини таҳлил қилишда ташқи савдо кўрсаткичларидан фойдаланиш зарурияти туфайли иқтисодиётнинг очиклилик кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамиятга эга ва миллий иқтисодиётда ташқи савдо баланси ёки соф экспорт катта аҳамиятга эга бўлиб, у якуний истеъмол харажатлари ва асосий капитални жамлаш билан бирга ялпи ички маҳсулотни ташкил этишини айтиб ўтган.

Лекин юқори технологиялар импорти иқтисодиётда ривожланишнинг интенсив омиллари орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигин таъминлайди. Бундай механизм давлатнинг ташқи савдо сиёсатининг иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланишга эришиш йўналишларини аниқлаш имконини беради.

О.Н. Кириченко² иқтисодиётнинг очиклиги кўрсаткичларини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблашни таклиф этган:

Экспортнинг ЯИМдаги улуши (W_e) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$W_e = \frac{E}{GDP} * 100,$$

бу ерда, E -мамлакат экспорт ҳажми;

GDP -мамлакатдаги ЯИМ;

Иқтисодиётнинг очиклиги мезони $W_e \geq 45\%$.

Импортнинг ЯИМдаги улуши (W_i) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$W_i = \frac{I}{GDP} * 100,$$

бу ерда, I -мамлакат импорт ҳажми;

GDP -мамлакатдаги ЯИМ;

Иқтисодиётнинг очиклиги мезони $W_i \geq 45\%$.

Ташқи савдо айланмасининг ЯИМдаги улуши (W_{tt}) қуйидаги формула билан аниқланади:

¹ О.Н. кириченко, кандидат экономических наук, доцент кафедры менеджмента внешнеэкономической деятельности, Национальный университет пищевых технологий «НУПТ», Киев (Украина). Внешняя торговля как фактор экономического роста. <https://cyberleninka.ru/article/n/vneshnyaya-torgovlya-kak-faktor-ekonomicheskogo-rosta>. 2014 года.

² О.Н. Кириченко, кандидат экономических наук, доцент кафедры менеджмента внешнеэкономической деятельности, Национальный университет пищевых технологий «НУПТ», Киев (Украина). Внешняя торговля как фактор экономического роста. <https://cyberleninka.ru/article/n/vneshnyaya-torgovlya-kak-faktor-ekonomicheskogo-rosta>. 2014 года.

$$1) \quad W_{ttt} = \frac{TTT}{GDP} * 100,$$

бу ерда, TTT- ташқи савдо айланмасининг;

Иқтисодиётнинг очиклиги мезони $W_i \geq 90\%$.

Юқоридаги формулалар натижасида 2-жадвал³ маълумотларини олдик.

**2-жадвал Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари ва
иқтисодиётнинг очиклиги кўрсаткичлари.**

| Кўрсаткичлар | 2018 й | 2019 й | 2020 й |
|----------------------|---------|---------|---------|
| ТСА | 33809,0 | 42 200 | 36299,3 |
| Экспорт | 14253,9 | 17 900 | 15127,7 |
| Импорт | 19555,2 | 24 300 | 21171,5 |
| ЯИМ | 50397,0 | 57711,9 | 57698,5 |
| W _e , % | 28,3 | 31,0 | 26,2 |
| W _i , % | 38,8 | 42,1 | 36,7 |
| W _{ttt} , % | 67,1 | 73,1 | 62,9 |

Жавдалдан кўринадик, 2019-йил ташқи савдо бўйича барча кўрсаткичлар 2018-2019 йиллар давомида ўсиб келаётганлиги сабабли иқтисодиётнинг очиклиги ҳам ўсиб келган ва мезон даражасига яқинлашиб келган. Бу албатта иқтисодиётнинг барча йўналишларида бўлганидек, пандемиянинг зарарли оқибати сифатида изоҳланади.

Иқтисодчи олим О.Н. Кириченко⁴ буни экспортнинг ЯИМдаги улушининг мамлакат жаҳон иқтисодиётига жалб қилинганлик даражасини ва шу сабабли жаҳон бозорида рақобатлашиш қобилятини билан белгилаб беради дея фикр билидирилган.

Экспортнинг ЯИМдаги улуши ҳам асосан мамлакатнинг импортга бўлган еhtiёжини белгилайди, чунки экспортдан олинган даромадлар импорт харажатларини қоплай олиши зарур дейлади иқтисодчи олимнинг илмий ёндашувларида.

Ташқи савдо статистикасини шакллантиришда жаҳон амалиётига мос статистик кўрсаткичлар тизими жорий қилинган бўлиши зарур. Халқаро интеграциялашув жараёни шуни талаб қилмоқдаки, мамлакат статистик ахборотларни керакли даражада кенг ва сифатли тақдим қилинмаслиги, мамлакатнинг халқаро даражадаги нуфузини пасайишига олиб келади. Масалан, айрим халқаро даражадаги ташкилотларнинг хорижий давлатлар статистикаси тўғрисида маълумотлар кенг ёритиб

³ Муаллиф томонидан тузилган.

⁴ О.Н. Кириченко, кандидат экономических наук, доцент кафедры менеджмента внешнеэкономической деятельности, Национальный университет пищевых технологий «НУПТ», Киев (Украина). Внешняя торговля как фактор экономического роста. <https://cyberleninka.ru/article/n/vneshnyaya-torgovlya-kak-faktor-ekonomicheskogo-rosta>. 2014 года.

<https://conferencea.org>

берилиши билан биргаликда, афсуски, бизнинг мамлакатимиз тўғрисидаги статистик маълумотлар умуман келтирилмаганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Шундай қилиб, ташқи савдо статистик кўрсаткичларини барча мамлакатлар амалиётини ўрганган ҳолда кенгайтириш ва янада такомиллаштириш мамлакатимизнинг нафақат статистик ахборот халқаро истеъмолчилари орасида, балки халқаро статистика ташкилотлари ва дунё ҳамжамиятида ҳам ўзига хос ўринга эга бўлишига ва уни янада мустаҳкамлашига катта замин яратади.

Шу ўринда мамлакатимиз ташқи савдо кўрсаткичлари тўғрисида асосий маълумотларни таҳлил қилиб ўтадиган бўлсак, қуйидаги жадвалда ташқи савдо билан боғлиқ асосий кўрсаткичлар келтирилганлигини кўришимиз мумкин бўлади:

3-жадвал

Ташқи савдо айланмаси ва баланси 2020-2022-йй. Январ-март.⁵

| Кўрсаткичлар | 2020 й | 2021 й | | 2022 й | |
|-----------------------|----------------|----------------|-------------|-----------------|-------|
| | Ҳажми | Ҳажми | Ўсиши | Ҳажми | Ўсиши |
| ТСА | 8035,2 | 7105,1 | 88,4 | 10 137,6 | 142,7 |
| Экспорт млн. АҚШ \$ | 2258,1 | 2398,1 | 106,2 | 2 754,5 | 114,9 |
| Товарлар млн. АҚШ \$ | 1629,4 | 1931,0 | 118,5 | 2 186,8 | 113,2 |
| Хизматлар млн. АҚШ \$ | 628,7 | 467,1 | 74,3 | 567,7 | 121,5 |
| Импорт млн. АҚШ \$ | 4771,1 | 4707,0 | 98,7 | 7 383,1 | 156,9 |
| Товарлар млн. АҚШ \$ | 4316,4 | 4345,1 | 100,7 | 6 853,4 | 157,7 |
| Хизматлар млн. АҚШ \$ | 454,8 | 361,9 | 79,6 | 529,7 | 146,4 |
| Сальдо | -1507,1 | -2308,9 | | -4628,6 | |

Бу маълумотни айнан ўтган йил шу даврда мамлакатимизда пандемия расман эълон қилинган даврга нисбатан солиштириш мақсадида олинди. Қуйидаги 4-жадвалда Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси маълумотлари келтирилган.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси⁶

(январь-март, млн. АҚШ доллари)


| Давлатлар | 2019 й. | Улуш, % | 2020 й. | Улуш, % | 2021 й. | Улуш, % | 2022 й. | Улуш, % |
|-------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| ТСА жами | 9064,5 | 100,0 | 8140,4 | 100,0 | 7105,1 | 100,0 | 10184,9 | 100,0 |
| Хитой | 1652,8 | 18,2 | 1362,1 | 16,7 | 1421,4 | 20,0 | 2186,3 | 21,5 |
| Россия | 1344,2 | 14,8 | 1268 | 15,6 | 1277,5 | 18,0 | 1865,2 | 18,3 |
| Қозоғистон | 783,3 | 8,6 | 678,2 | 8,3 | 866,7 | 12,2 | 992,8 | 9,7 |
| Туркия | 506,1 | 5,6 | 466,6 | 5,7 | 653,3 | 9,2 | 776,4 | 7,6 |
| Ж. Корея | 700,2 | 7,7 | 545,2 | 6,7 | 408,3 | 5,7 | 630,8 | 6,2 |
| Қирғизистон | 138,4 | 1,5 | 187,1 | 2,3 | 187,9 | 2,6 | 226,4 | 2,2 |

⁵ Stat.uz расмий интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

⁶ Stat.uz расмий интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

| | | | | | | | | |
|--------------|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|
| Афғонистон | 116,5 | 1,3 | 153,1 | 1,9 | 165,6 | 2,3 | 174,1 | 1,7 |
| Украина | 94,6 | 1,0 | 80,7 | 1,0 | 130,1 | 1,8 | 140,1 | 1,4 |
| Германия | 138,9 | 1,5 | 166,6 | 2,0 | 121,3 | 1,7 | 384,4 | 3,8 |
| Ҳиндистон | 84,4 | 0,9 | 80,6 | 1,0 | 117,7 | 1,7 | 166 | 1,6 |
| Тожикистон | 73,5 | 0,8 | 110 | 1,4 | 101,8 | 1,4 | 141,7 | 1,4 |
| Туркменистон | 130,7 | 1,4 | 124 | 1,5 | 100,7 | 1,4 | 186,8 | 1,8 |
| Литва | 94,3 | 1,0 | 85,5 | 1,1 | 96,7 | 1,4 | 90,9 | 0,9 |
| Италия | 68,6 | 0,8 | 93,5 | 1,1 | 89,9 | 1,3 | 87,9 | 0,9 |
| Эрон | 95,6 | 1,1 | 76,3 | 0,9 | 80,3 | 1,1 | 127,6 | 1,3 |
| АҚШ | 74,3 | 0,8 | 55 | 0,7 | 73 | 1,0 | 130,9 | 1,3 |
| Беларусия | 107,6 | 1,2 | 53,5 | 0,7 | 57,7 | 0,8 | 91,0 | 0,9 |


Ўзбекистон Республикасининг энг йирик савдо ҳамкори сифатида Хитойнинг ўрганилаётган даврларда 1-ўринни эгаллаб келиши мамлакатимизнинг Чин мамлакати билан алоқаларини янада яхшилаиб келаётганини билдиради. Жорий йил 1-чорагида жами ТСАнинг 21,5 %ини Хитой ва 18.%ни Россия ташкил қилиши бу мамлакатимизнинг дунёнинг энг ривожланган йирик мамлакатлари билан тенг манфаатли савдо алоқаларини йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Чегарадош давлатлардан Қозоғистон билан ТСА 2019-2020-йилларнинг мос даврида 8%ни ташкил қилиб, 2021-йилга 12 % га кўтарилиши билан жорий йил пасайганлигини кўришимиз мумкин.



5-график Ўзбекистоннинг йирик ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси (январь-март, млн. АҚШ доллари)

<https://conferencea.org>

5-графикдан маълум бўладики, барча ҳамкор давлатлар билан Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳажми 2022-йил 1-чорагида ўсиш тенденциясига эга бўлган.



6-график Инвестор мамлакатлар бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

Жорий йил 1-чорагида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари яратган маҳсулот (иш, хизмат)лари ҳажми 29 891,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу 2020-йил шу чорагига нисбатан 103,1 % ни ташкил қилади.

Шу билан бирга, ҳозирги бозор муносабатлари амал қилаётган даврда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик⁷нинг ўрни ошиб бормокда. Жорий йил 1-чорагида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган маҳсулот ҳажми ЯИМнинг 45,0 % ни ташкил қилиб, ўтган йилдаги 44,7 % га нисбатан ўсганлигини кўришимиз мумкин (7-график⁸).



7-график Кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши, % да
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларида асосий ўринни эгаллаши мамлакатимизда бу соҳа ривожига қаратилаётган эътибор

⁷ www.stat.uz расмий интернет сайти маълумотларидан фойдаланилган.

⁸ www.stat.uz расмий интернет сайти маълумотларидан фойдаланилган.

<https://conferencea.org>

билан биргаликда, ривожланган мамлакатларнинг ривожланиш йўлида олиб борган амалий тажрибасидан кенг фойдаланилаётганлигининг исботи ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес субъектларининг пандемия шароитида ҳам ўзининг рақобатга бардошлилиги ва янги инновацион ўзгаришларга мослашувчанлигини кўрсатади ва бу айнан ташқи савдо тизимини ривожланишига катта ижобий таъсир қилади. Шу билан бирга ўрганилаётган даврда кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 16,1 бирлик кўрсаткичга эришган ва бу ўтган 2019-2020-йиллар давомида ўзгаришсиз 13,9 ни ташкил қилган ҳолатда экспортдаги улуши пандемия даври бошидаёқ 28,9 % га ўсганлигини ва жорий йил 1-чорагида 27,5 % ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин (6-график).



6-график Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импортдаги улуши

Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастури амалга оширилмоқда. Дастур натижасида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш натижасида ишлаб чиқарилган 57,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Бу ўтган йил 1-чорагига нисбатан қарийб 2 марта ўсиш эканлигини кўрсатади (2020-йил 1-чорагида 24,9 млн. АҚШ доллари).

Юқоридаги барча ижобий кўрсаткичлар ўзининг ўрнини ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичларида намоён қилади. Бунда 2021 йил 1-чорагида ЯИМ ўтган йил мос даврига нисбатан 3 % га ўсган ва у жорий нархларда 128 556,8 млрд. сўмни, яъни 12 236,4 млн. АҚШ долларини (жорий давр ўртача алмашув курси бўйича номинал ЯИМ ҳажми) ташкил қилади. ЯИМ дефлятор индекси ўтган давр нархларига нисбатан 111,0 % кўрсаткичга эга бўлди. Аҳолига жон бошига ЯИМ 353,4 АҚШ долларини ташкил қилиб, ўтган мос даврга нисбатан бу 1% га ўсганлигини кўрсатади. Бундай ўзгаришлар албатта туристик оқимнинг ўсишига ва ташқи савдода хизматларнинг улуши янада

ортишига олиб келади. Ўрганилаётган давр⁹да хизмат юзасидан 9,7 минг, таълим учун 1,6 минг, дам олиш ва даволаниш мақсадида 28,1 минг ва тижорат мақсадларида 2 минг киши Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Ўтган йилнинг 1-чорагини таҳлиллари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда иқтисодий тузилмани ривожланиши барқарор даражада бўлиб, уни чет давлатлари, хорижий ҳамкорлар ва халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимизга шунчаки қизиқиши эмас, балки уларнинг амалий алоқаларни боғлаб, ўз фаолиятини тенг манфаатли муносабатда бошлаши, давом эттириши ва албатта кенгайтириши орқали кўратилаётган ижобий муносабат натижаси деб билишимиз мумкин. Бу албатта пандемия даври бошланишини мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш мақсадида қўшимча маълумотлар сифатида таҳлил қилинди. Бу мамлакат иқтисодиётини тўлиқ салоҳияти тўғрисида изланиш олиб боришга етарли ҳисобланмаганлиги боис қуйида мамлакатнинг ташқи савдосини ривожланиш жараёнларини ва унга барча тармоқлар, ички ва ташқи омиллар таъсирида ривожланиш жараёнларини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқамиз.

Хулоса қилиб, Ўзбекистонда иқтисодиётини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъий ҳаракатлар ва тузилган ривожланиш стратегияси иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш ва тармоқларни диверсификациялаш орқали кенгайтиришга эришиш, инновацион технологияларни кенг жалб қилиш ва уларни ўзимизда яратиш жараёнларини жадаллаштириш, ҳудудимизда мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ташқи савдони янада кенгайтириши ва биз учун янги бўлган бозорларни кашф қилиш натижасида эркин рақобат шароитида барқарор фаолият йўналишларини йўлга қўйиш ва шу орқали иқтисодиётни доимий ўсиш суръатларига эришиш ва натижада аҳоли фаровонлигини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги ЎРҚ-707- сонли Қонуни.
2. Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 21 январдари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқидан.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

⁹ www.stat.uz расмий интернет сайти маълумотларидан фойдаланилган.

<https://conferencea.org>

4. Ekonometrika. Amaliy mashg'ulot uchun o'quv qo'llanma. -T.: « » nashryoti, 2019, 173 bet. Habibullaev Ibrohim, Jumayev Akbar Mahmudovich.

5. А.Ишназаров, Ш.Нуруллаева, М.Муминова, Н.Рўзметова. Эконометрика

6. асослари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил, 258 бет.

Интернет сайтлари

4. stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти.

5. <https://www.researchgate.net>

6. https://www.stata.com/meeting/chicago16/slides/chicago16_kripfganz.pdf